

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 31 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида йил якунига қадар Россия, Украина ва Беларус давлатлари билан ишлаётган ташқи савдо қатнашчиларига дебитор қарздорлиги учун жарималар қўлламаслик вазифаси белгиланган бўлиб, унга кўра туманимиздаги ташқи савдо иштирокчиларининг Россия, Украина ва Беларус давлатлари субъектлари билан тузилган ташқи савдо шартномалари бўйича йўл қўйилган муддати ўтган дебитор қарздорликлари учун уларга нисбатан суд тартибда қўлланилиши лозим бўлган молиявий жарималар ижродан тўхтатилди.

Жорий йилнинг май ойи давомида “Солиқ ҳамкор” дастури орқали Термиз туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ солиқ ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги келиб тушган мурожаатлар асосида белгиланган тартибда сайёр солиқ текширувлари ўтказилди.

Энг муҳими, солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этишида ёрдам бериш ҳамда “Солиқчи - кўмакчи” тамойили асосида чора қўллашдан олдин бартараф этишга имконият яратиш талабидан келиб чиқиб, жорий йил 1 июндан бошлаб, “Солиқ ҳамкор” орқали мурожаат йўллаш ва мурожаатга асосан солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этган тадбиркорлик субъектига нисбатан чора кўриш тартибига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан мулкчилик шаклидан қатъий назар, биринчи маротаба келиб тушган мурожаат бўйича солиқ тўловчи ҳузурига борган ҳолда, профилактик суҳбат ўтказилиб, тадбиркорлик субъектининг қонун талабларида иш юритиши тўғрисида расман огоҳлантирилиб, унга нисбатан молиявий жазо чоралари кўрилмайдиган бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, барча тадбиркорлик субъектлари юртимизда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган кенг имкониятлар ва енгилликлардан унумли фойдаланишлари ва бунга жавобан, ҳалолликни мезон қилиб, қонуний тартибда фаолият юритишлари лозим.

Зеро, солиқ хизмати - инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори!

Комил Рахмонов Термиз тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи